



СУҒУРТА - МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МАХСУС ТУРИ ВА УНГА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЁНДАШУВ

Дилором Таджибаева

ТМИ, "Иқтисодиёт" кафедраси профессори, и.ф.д.

Тошкент, Ўзбекистон. Email: dtajiboeva@mail.ru

ORCID: 0000-0002-5257-4706

INSURANCE - A SPECIAL KIND OF FINANCIAL RELATIONS. INSTITUTIONAL APPROACH

Dilorom Tadjibaeva. Doctor of Economics.

professor of the "Economics" department of the Tashkent Financial Institute

Tashkent, Uzbekistan. Email: dtajiboeva@mail.ru

ORCID: 0000-0002-5257-4706

JEL Classification: G 22;B 52.

Аннотация: Тадқиқот мавзусининг долзарблиги суғурта бозорини тартибга солишининг амалдаги тизимини таҳлил қилиш ва Ўзбекистонда ҳозирга қадар бу бозорнинг ривожланмаганлиги сабабларини кўрсатиш, суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш ва ўз-ўзини тартибга солиш институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини ривожлантириш, Ўзбекистонда суғурта бозорининг ривожланишига расмий институтлар ва институционал муҳит яратилишининг таъсирини кўрсатиш билан белгиланади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши суғуртанинг иқтисодий муносабатлар тизимидаги роли ва ўрнини тубдан ўзгартиради. Суғурта компаниялари замонавий миллий иқтисодиётнинг энг муҳим институтларидан бирига айланиб, уни узлуксиз ва самарали фаолият юритишини, барқарор ўсишини таъминлашда муҳим роль ўйнайдилар. Суғурталанувчилар ушбу хизматларнинг фаол истеъмолчиси бўлиб ўз жамғармаларини шу соҳада жойлаштирадилар. Ана шу мақсад мамлакатимиз суғурта бозорида

кутилган даражада натижа бермади. Буни суғурта бозорининг эришган даражаси ва ривожланиш салоҳиятининг муҳим хусусиятларини ифодаловчи кўп қиррали кўрсаткичлар тизими асосида кўришимиз мумкин. Масалан, аҳоли жон бошига ялпи суғурта мукофотлари 2010 йили атиги 6013 сўм, 2017 йили 28876 сўмни ташкил этган. Ваҳоланки, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган эди [1].

Мақолада бошқа тадқиқотлардан фарқли равишда институционал ёндашув асосида ўрганилиб, бунинг сабаблари кўрсатилган Тадқиқот натижасига мувофиқ хулосалар асосида муаммоларни бартараф қилиш ва суғурта бозорини ривожлантиришига қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Abstract: The relevance of this study lies in the fact that, based on the analysis of modern trends in the insurance system, reasons for the underdevelopment of the insurance market in Uzbekistan to date have been determined. The article shows the need of relationship between state regulation and self-regulation and the role of creation of formal institutions and the institutional environment for development of the insurance market in Uzbekistan. According to the conclusions drawn, proposals to solve

problems and develop the insurance market have been made.

Formation and development of the market economy fundamentally changes the role and place of insurance in the system of economic relations. Insurance companies become one of the most important institutions of the modern national economy and play an important role in ensuring its continuous and efficient operation and sustainable growth. Insureds are active consumers of these services and place their savings in this area. This goal has not yielded to expected levels in the insurance market of our country. We can see this based on a system of multifaceted indicators that represent the important features of the insurance market's level of achievement and development quality. For example, gross insurance premiums per capita were only 6,013 soums in 2010 and 28,876 soums in 2017.[1. However, the Law

Кириш. Инсон яратилганидан бошлаб, унга берилган ўзини сақлаш инстинктига биноан ўз хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган. Шу нуқтаи назардан қарасак, суғурта ижтимоий категорияларнинг қадимийларидан. Суғуртанинг келиб чиқиши аввало кишилар меҳнати билан яратилган неъматларни сақлаш ва асрашга бўлган ҳаракат билан боғлиқ. У тарихий тараққиёт натижасида ривожланиб, ҳозирги кунда ўзига хос аҳамиятга эга бўлган, бозор иқтисодиётида алоҳида ўрин тутган категорияга айланди [2, 192-б.].

Маълумки, суғурта хизматлари мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга катта инвестиция манбаи бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кунда суғурта умумий иқтисодий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва узлуксизлигини таъминлаш, кўплаб табиий, техноген, табиий офатлардан самарли ҳимоя қилиш,

"On Insurance Activities" was adopted on April 5, 2002.].

In the article, the reasons for this are studied on the basis of an institutional approach, unlike other studies, based on the imperfection of formal and informal institutions in our republic.

Калим сўзлар: Суғурта, суғурта функциялари, суғурта институти, расмий институтлар, суғурта мукофоти, суғурта бозори, суғурта қопламаси, риск, рискларни тақсимлаш.

Key words: Insurance, insurance functions, insurance institution, official institutions, insurance premium, insurance market, insurance coverage, risk, risk distribution

давлат ижтимоий ҳимоясини амалга оширишини таъминловчи муҳим ва зарур восита ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча мамлакатлар имконият даражасида суғурта бозорини ривожлантиришга алоҳида диққат қаратмоқдалар. Халқаро ташкилотлар тадқиқотига кўра бутун дунёда суғурта бизнеси йилига ўртача 3 %га ўсмоқда. Суғурта мукофотлари аҳоли жон бошига ўсиб бормоқда. Бу борада илгари лидер-етақчи бўлган Шимолий Америка, Ғарбий Европа мамлакатларига қараганда Хитой ва бошқа мамлакатларда тез ўсиш юз бормоқда.

Мамлакатимизда ҳам хорижий тажрибалар ва тарихий тажрибадан келиб чиққан ҳолда кейинги йилларда суғурта бозорини ривожланиши энг аввало институционал муҳит яратилиши билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб суғурта институтларини мукамаллаштиришга, такомиллаштиришга алоҳида диққат қаратиш бошланди.

Материал ва метод. Кейинги йилларда республикамиз тадқиқотчилари томонидан суғурта бозори ва уни ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар ортиб бормоқда, Буни турли нашрларда чоп этилган мақолалар ва уларда кўтарилган масалаларда кўриш мумкин. Ваҳоланки, бундан 5 йил аввал суғурта ва уни таҳлил қилишга қаратилган илмий мақолани топиш анча мушкул эди.

Кейинги йилларда чоп этилган ва кўйган мақсадимизга яқин бўлган тадқиқотлардан бири Р.С. Азимовнинг илмий мақоласи бўлиб, у Ўзбекистонда суғуртани ривожлантиришда рискни ва унинг миқдор ва сифат параметрларини аниқлаш, бошқариш, молиялаштириш, уларни амалга оширишда андеррайтинг масалаларини ўрганишга бағишланган. [3].

Мазкур муаллифнинг яна бир илмий мақоласи Ўзбекистонда ва хорижда суғуртанинг замонавий ҳолатини ўрганишга бағишланган [4].

Шу масалада яна бир муаллиф Қ. М. Қўлдошевнинг мақоласи ҳам Ўзбекистонда миллий суғурта бозорини таҳлил қилишга қаратилган. Уларда муаллифлар нуқтаи назаридан суғурта бозори ҳолати ўрганилган. Қ. Қўлдошев суғурта ривожини контекстида ўзаро суғуртанинг тижорат суғуртасидан афзаллигини асослаб беришга алоҳида диққат қаратган. [5].

О. Юлдашев тадқиқотида ҳаёт суғуртаси ва бу суғурта тури хизматларига талабни белгиловчи асосий омиллар, Ўзбекистонда ҳаёт суғуртаси компанияларининг суғурта қилдирувчилар орасида ўтказилган сўровнома натижаларидан фойдаланилган ҳолда суғурта билан омиллар ўртасидаги боғланиш даражаси ўрганилган [6].

Умуман олганда Ҳаёт суғуртаси – бу суғурталанган ҳодисалар рўй бермаган тақдирда ҳам тўлов олиш кўзда тутилган ягона суғурта тури. У инсоннинг ҳаёти, фаолияти боғлиқ. Шунинг учун бу суғурта бошқа суғурта турларидан ўзининг суғурта қопламасининг юқорилиги, ривожланиш суръати ва бошқа жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Г. Халикулова, илмий мақоласида суғурта шартномасини тузиш ва уни амалга ошириш жараёнида рақамли технологиядан фойдаланиш, суғурта компаниялари бу технологиялардан фойдаланишнинг хусусиятлари ва имкониятлари масалалари ўрганилган, улардан зарур хулосалар чиқарилиб, тақлифлар берилган [7].

Масалага институционал нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, молиявий сектор, жумладан, суғурта ҳам трансакцион харажатлар қаторига киради. Жамият миқёсида борган сари трансакцион харажатларнинг кўпайиб бориши уни пасайтириш муаммосини келтириб чиқарди. Айнан рақамли технологиялар трансакцион харажатларни, жумладан суғурта тизимида ҳам камайтиришга ёрдам беради.

Х.М. Шеннаев томонидан мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятининг ривожланишини муайян мезонларга асосан босқичларга ажратган ҳолда тадқиқ этилган. Муаллиф қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ҳамда статистик маълумотларнинг таҳлиliga диққат қаратиб, республикамизда суғуртанинг тадрижий ривожланиши [8], суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси ўрганилган [9].

Л. Ш. Тошназарованинг тадқиқоти Ўзбекистон миллий суғурта бозорида рақобат даражаси, уни аниқлаш, мувофиқ равишда соғлом рақобатни таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган [10].

Лекин суғурта муносабатларини институционал нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ўрганилган тадқиқотлар ниҳоятда кам. Шулардан бири К Кахаров ва С. Шеровларнинг илмий изланиши бўлиб, унда суғурта институтининг давлат-хусусий шериклик контекстида молиявий фаолиятнинг концептуал асослари, тартибга солиниши ва моделлаштирилиши масалаларига диққат қаратишган [11].

Россиялик тадқиқотчи О.М. Калининченко масалага институционал ёндашув асосида олиб борган илмий изланишида замонавий Россия иқтисодиёти фаолияти қатор қонунчилик, ташкилий, анъанавий институтларга асосланиши ва бу институтларнинг барчаси бир-бири билан ўзаро боғлангани ва жадал ривожланаётганини кўрсатади. Уларнинг ажралмас қисми суғурта бозорига хос бўлган ижобий ўзгаришлар, чунончи классик суғурта хизматлари ҳажми ортгани, суғуртанинг бошқа янги турлари шакллангани, ялпи ички маҳсулотда суғурта соҳасининг улуши ўсаётгани таъкидланади. Россия суғурта бозорининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, унинг юқори даражада монополлашгани кўрсатилади. Тадқиқотда рискка – суғурталашнинг институционал асоси сифатида қаралади [12].

Е. А. Попова эса Россияда суғурта муносабатларига неоклассик нуқтаи назардан қараш устун бўлгани ва кейинги йиллардагина унга мамлакатдаги

трансформация жараёнлари билан ўзгариши мумкин бўлган ижтимоий муносабатларни ифодалашни нуқтаи назардан қаралаётгани, бозор иқтисодиёти ва ўтиш даврида суғурта институтларининг хусусиятларини ўрганишга диққат қаратади [13].

Суғурта масалалари бўйича диққатимизни тортган тадқиқот Халқаро меҳнат ташкилотининг тадқиқот гуруҳи: Джон Картер, Мишель Бедар, Селин Пейрон Биста томонидан тайёрланган ҳисобот бўлиб, унда Осиё мамлакатлари ва жаҳонда ишсизлик ва бандлик суғуртаси асосида суғурта тизимини қиёсий таҳлил қилишга қаратилган. Ҳисобот 14 давлат мисолида суғурталанганларнинг ишсизлик, янги иш излаш даврида улар даромадини қисман қоплашни таъминлаш воситаси сифатида тақдим этилган.

Ҳисоботнинг мақсади ишсизликдан суғурта тизимини қўллашнинг асосий хусусиятлари амалиётини кўрсатиш (3 та давлат уларни бандлик суғуртаси деб атайди) бўлиб, ишсизлик нафақалари дунёнинг 72 давлатида тўланади. Ушбу тадқиқотда таҳлил мамлакатлар намунаси бўйича бўлгани туфайли таққослаш жуда қизиқарли ва кенг қамровли [14].

Ўзбекистонда бундай суғурта тури йўқ. Ишсизлик нафақаси ижтимоий тўлов эвазига молиялаштирилади. Бу ерда муҳим муаммо - бизда норасмий бандликнинг юқорилиги. Натижада ижтимоий тўлов орқали амалга ошириладиган ижтимоий суғурта билан барча бандларни қамраб олиб бўлмаслиги молиялаштириш масалаларини ечишда қийинчилик туғдиради. Бизнингча, бу масалани ечиш учун уни чуқур ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Илмий мақолада муаммоларни аниқлашда институционал мактабнинг ва таҳлилий фалсафанинг машхур вакиллари назариялари, тадқиқотларини ўрганиш асосида мантиқий хулосалар чиқарилди. Мавзунини ёритишда илмий мушоҳада, талқин қилиш, иқтисодий-статистик, ўзаро ва қиёсий таққослаш, эмпирик таҳлилни умумлаштириш методларидан фойдаланилди. Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этади.


Натижалар. Суғурта молия каби пул даромадлари ва жамғармаларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш натижасида шаклланади. Яратилган маҳсулотнинг бир қисми суғурталаш учун ажратилиб, пул шаклида суғурталаш фондини ташкил этади.

Суғурталаш иқтисодий нуқтаи назардан ўз капитали, меҳнати, ҳаётини кутилмаган ҳодисалардан муҳофаза қилиш учун суғурта қилувчи ташкилотлар билан суғурта қилдирувчилар ўртасида маълум тўлов – суғурта мукофотлари эвазига махсус пул фондини ташкил этиш ва у орқали рискларни бўлиштириш, тақсимлашдир.

Суғурта - бу бир томон - **суғурта қилдирувчининг** суғурта мукофоти эвазига суғурта полисини сотиб олиш

учун суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммасини тўлаш мажбурияти, иккинчи томон (суғурталовчи)нинг белгиланган миқдорда зарарни қоплаш мажбуриятини олиш бўйича шартнома муносабатларидир.

Суғурта бозори миллий иқтисодиётда рискларни тартибга солиш, тақсимлаш ва улар билан боғлиқ турли йўқотишлар, зарарларни қоплаш билан боғлиқ махсус функцияни бажаради. Суғурта бозорининг фаолияти ижтимоий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжни қондиришга қаратилган - хўжалик юритувчи субъектларнинг хавфсизлигини таъминлаш, салбий ҳодисалар, ноаниқлик ва ахборотнинг асимметриклиги билан билан боғлиқ рисклардан муҳофаза қилишга қаратилган. Бу мувофиқ равишда бир томондан, институтлар – уларнинг ушбу эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган турли шакллардаги суғурталовчилар бўлишини тақозо қилади. Иккинчи томондан, суғурталовчилар томонидан таклиф қилинган шартларга мувофиқ, бундан манфаатдор бўлган суғуртачилар бўлишини назарда тутаяди. Суғурта бозорининг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифалари у бажарадиган асосий функцияларда яққол намоён бўлади (1-расм).



1-расм. Суғурта бозорининг асосий функциялари

Суғурта бозорининг асосий функциясининг бири - суғурта

бозорининг тартибга солиш – бу суғурта бозори ва унинг институтлари миллий

иктисодиётда узлуксиз ва самарали такрор ишлаб чиқаришни, бозорнинг турли тармоқлари ичида ва ўртасида ўзаро боғлиқ бўлган товарлар, хизматлар ишчи кучи оқимларининг ҳаракатини таъминлашдан иборат.

Иккинчиси, турли хўжалик юритувчи субъектларнинг суғурталанган асосий хавф-хатарлари бўйича суғурталовчиларнинг ўз зиммаларига олишлари билан боғлиқ бўлган риск.

Маълумки, одамларнинг иқтисодий фикрлаш тарзинг муҳим аксиомаларидан бири: танлов келажакда намоеън бўладиган оқибатга олиб келади. Жуда кўп қарорлар таваккал бўлиб, ноаниқлик мужассамлашган, айниқса, бозор иқтисодиёти ноаниқлик йўлдош иқтисодиёт бўлгани учун ҳам танлаш, қарор қабул қилиш – бу риск қилишдир. Айниқса, бунда инсонларни тўлиқ ахборотга эга бўлишлари қийинлиги муҳим роль ўйнайди. Бу жиҳатдан хўжалик юритувчи субъектлар суғурта орқали ана шу рискларни суғурталовчилар зиммасига юклайдилар. Натижада суғурталовчиларнинг ўзлари ҳам риск қиладилар.

Ҳимоя функцияси (компенсация) суғурта ходисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчилар маблағларини қайта тақсимлаш ва рискдан йўқотишларини, зарарларини қоплаш билан боғлиқ бўлган ҳимояни амалга оширилади.

Суғурта қилдирувчиларнинг суғуртадан энг асосий мақсади унинг суғурта ходисаси туфайли кўрган зарари, йўқотишларини суғурталовчилар қай даражада қоплаб беришларидир.

Суғуртанинг ижтимоий функцияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, фуқароларга турли хил ҳаётий вазиятларда моддий жиҳатдан таъминланишига кафолат бўлиб хизмат қилади. Бунда ихтиёрий суғурта

суғурта турларигина эмас, мажбурий турлари ҳам муҳим ўрин тутди. Буларга ҳаёт суғуртаси, соғлиқни сақлаш (медицина), суғурталанувчи билан боғлиқ холда келиб чиққан учинчи шахсларнинг молиявий йўқотишлари билан боғлиқ *масъулият суғуртаси* кабиларни кўрсатиш мумкин.

Суғурта молиявий восита сифатида хизмат қилар экан, у бир томондан, суғурталанганлар учун - пулни тежаш ва кўпайтириш усули ҳамда жамғарма функцияси доирасида ҳимоя вазифасини ҳам бажаради. Иккинчи томондан, суғурта компаниялари учун - фонд маблағлари ҳисобидан тўловларни амалга ошириш учун нақд пул захирасини шакллантириш (кредит функцияси доирасида) вазифасини ҳам бажаради.

Банк ва бошқа кредит институтлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш суғурта компаниялари фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам берди ва ўз навбатида ижобий қайтар алоқа механизмини ишга туширди. Суғурта институтининг мустаҳкамланиши бошқа молия институтларининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Натижада молиявий инновацияларга бўлган ишончнинг ортиши иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифатига ижобий натижалар олиб келди.

Суғуртага институционал нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, марказдан бошқариладиган иқтисодиёт (собиқ СССР) билан бозор иқтисодиётида қўйилган мақсад жиҳатидан ўхшаш - умумий.

Суғурта институтининг асосий фарқи шундаки, биринчисида йўқотишларнинг манбаи марказлашган фонд томонидан қопланган, иккинчисида эса тўланган суғурта мукофотлари ҳамда бошқа суғурта маблағларидан ташкил

топади. Биринчисида давлат бир вақтнинг ўзида ҳам мулк эгаси, ҳам турли хавф-хатар оқибатида йўқотишларни қоплашнинг кафолатчиси бўлган. Бозор иқтисодиётида мулк шакллари турли-туманлиги шароитида давлатнинг мулк эгаси ва уни сақланишини кафолатчиси сифатидаги роли кескин чегараланади. Агар аввал турли табиий фалокатлар, авариялар, йўқотишларга давлат бюджетидан сарфланган маблағлар бозор иқтисодиёти хос мамлакатларга нисбатан анча юқори бўлган. Чунки, бозор иқтисодиётида асосий харажатларни суғурталаш ташкилотлари ўз зиммаларига оладилар.

Суғуртанинг самарадорлигига келсак, биринчисида мулк эгаси ва унга жавобгар сифатида ҳар қандай рисклар билан боғлиқ хавфсизлик учун ҳам давлат асосий роль ўйнагани сабабли раҳбарлар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг мулкни сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш масъулияти заифлигида ифодаланади.

Бозор иқтисодиётида эса иқтисодий эркинлик иқтисодий масъулият билан чамбарчас боғлиқ. Хусусий мулкни вужудга келиши билан нафақат масъулият, балки уни хавфсизлигини таъминлаш ҳам мулк эгалари зиммасига ўтди. Бу ўз навбатида суғурта бозорининг вужудга келиши ва унинг тузилиши ва таркибини ҳам ўзгаришига олиб келди. Демак, мақсад ўзгармади, лекин уни амалга ошириш мазмуни ўзгарди. Бу ўзгаришлар мувофиқ равишда институционал ўзгаришларни ҳам амалга оширишга олиб келди.

Суғурта бозори – бу турли институтлар - суғурталовчилар (суғурта компаниялари) ва уларнинг бирлашмалари, суғурталанувчилар (жисмоний ва юридик шахслар) ҳамда суғурта назоратини ва текширишни амалга оширувчи давлат

ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг мураккаб яхлит тизимидир.

Бутун дунёда суғурта иши интернационаллашуви сезиларли даражада интеграциялашган бизнеснинг бошқа турларидан фарқ қилиб, ўзига хос хусусиятларга эга. Европа, айниқса Англия суғуртаси, Американикидан, Американики Осий мамлакатлари суғуртасидан фарқ қилади. Бу кўп жиҳатдан суғурта хизматларининг миллий бозорлари фаолиятининг турли институционал асослари билан боғлиқ.

Жаҳон миқёсида барча суғурта мукофотлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан (insurance penetration rate) - соҳаларга кириб бориш даражаси) 6,35%ни ташкил этса, Ўзбекистонда 2019 йили 0.45 %. Кўришиб турибди, тафовут жуда катта. Аҳоли жон бошига суғурта мукофотлари кўрсаткичи Нигерия даражасида. Ҳозирда ўртача жаҳон даражасидан 162 марта орқада эканмиз. Дунёда аҳоли жон бошига 2019 йили суғурта мукофотлари 847 еврини ташкил қилган бўлса, шу кўрсаткич бўйича лидер Гонконгда 7,5 минг евро. Ўзбекистонда атиги 5 еврини ташкил этган. Бу Ўзбекистонда суғурта маҳсулининг баҳосини ғоятда пастлигини кўрсатади.

Бунинг қатор сабаблари мавжуд. **Биринчи** ўринга хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончсизлигини кўрсатиш мумкин.

Замонавий таҳлилий фалсафанинг таниқли вакилларида Ж. Сёрл ўзининг илмий тадқиқотларида фундаментал ижтимоий феномен сифатида институтларни таҳлил қилишда тил муҳим роль ўйнашини кўрсатади. Институтнинг вужудга келиши, амал қилиши, унинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиришга катта ёрдам беради. Унинг фикрича суғурта инглиз тилида («insurance») «sure» - («ишонч») сўзидан

келиб чиққан ва бу кўп жиҳатдан иқтисодий субъектларнинг унга нисбатан муносабатини ифодалайди [15]. Шу нуқтаи назардан қарасак, бизнинг фикримизча, ўзбек тилида "суғурта" тушунчаси "суғурмоқ" сўзидан келиб чиққан. Суғурмоқ - ўрнашган жойидан куч билан тортиб чиқаришни, мажбурлаш орқали мақсадга етишни ифодалайди. Сўзнинг мантиғига амал қилган холда, фикрласак, шахс ўзини куч ишлатиб, мажбурлашларини ёқтирмайди, суғурта унинг назарида ёқимсиз ҳолатни ифодалайди.

Инглиз тилида сўзлашувчи хўжалик юритувчи субъектларда суғуртага муносабат бутунлай бошқача. Уларнинг нуқтаи назаридан суғурта бу нохуш ҳодисалар содир бўлишидан қатъи назар келажакка ишончни билдиради. Бу уларда суғурта институтига нисбатан хайрихоҳлик уйғотади ва уларни суғуртага нисбатан муносабатларини тушунтириб беради. Бу борада бошқача фикрлар ҳам мавжуд. "Муаллифларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда тижоратга асосланган анъанавий суғуртанинг ҳозирга қадар етарли даражада оммавийлашмаганлигининг сабабларидан бири сифатида, шариат қоидалари тўғрисида кўпроқ тушунчага эга бўлган аҳоли қатламларининг кўплиги ва уларнинг ислом ҳуқуқшунослари томонидан ушбу суғурта тўғрисидаги хулосасидан хабардор эканлиги ҳисобланади" [16, 339-б.]

Институционализмда айнан норасмий нормаларни вужудга келишида диний қарашларнинг муҳим роль ўйнашига алоҳида диққат қаратилади,

лекин Ўзбекистонда суғурталашнинг оммавийлашмаганини шариат қоидаларини биладиган аҳоли қатламларининг кўплиги билан боғлаш, бизнингча, мунозарали.

Иккинчидан, суғурта институтининг ривожланишидаги муҳим тўсиқлардан бири ахборот асимметриклигидир [17]. **Маълумки рискларни суғурта ташкилотига юклаш контракт орқали амалга оширилади.** Контрактни тузишда шу пайтдаги бозордаги аниқ вазият, ўзининг рақобатбардошликдаги ҳолати ҳисобга олинишиш, ваъдалар тўплами ва уларни бажариш, бунинг учун зарур тартиб ва воситалар, контрактни бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш кўзда тутилади.

Швртнома тузилаётганда томонларнинг сўзи билан иши, ваъдаси билан уни бажариши бир-биридан ажралмайди, субъектларнинг ўзаро муносабатлари ва биргаликдаги ҳаракатларида оппортунизм¹ йўқ, деган тахминга асосланилади. Лекин реал ҳаётда оппортунизм етарли даражада эканлигини институционал йўналиш вакиллари кўрсатиб беришди.

Иқтисодиётда одамлар рационал танловни амалга оширишга ҳаракат қилишади. Лекин реал ҳаётда мутлақ рационал танлашнинг иложи йўқ. Бу уларда таҳлил қилиш ва прагматик қобилятни чекланганлиги туфайли тўлиқ ахборотга эга бўлмаслик, ахборотларни қидириш, танлаш, ҳисоб-китоб қилиш жараёни қийинлиги, харажатлар ва интеллектуал жиҳатдан тиришқоқликни талаб қилиши билан боғлиқ. Натижада

¹ Иқтисодий назарияда оппортунистик саъй-ҳаракат тушунчаси О. Уильямсон томонидан илмий оборотга киритилган бўлиб, унинг фикрича оппортунизм - бу ўз манфаатларини кўзлаб, ташкилотнинг манфаатларини реализация

қилишга тўсқинлик қилиш: ахборотни яшириш, алдаш, хийла билан тўғри йўлдан уриш, сўзида турмаслик, мунофиқлик, хоинлик қилиш даражасигача етиш (self-interest-seeking-with-guile) кабилар тушунилади.

мукаммал рақобат модели бузилади, ахборотни асимметрик тарқалиши юз беради.

Суғурталашда суғурталовчининг суғурта ҳолати келиб чиқиши кузатиладиган ҳодисаларнинг турли-туманлиги, улар ҳақида ахборот етишмаслиги, аниқ ҳар бир ҳолатнинг қачон юз бериши ноаниқлиги ҳам ахборот асимметриясини вужудга келтиради.

Бунда ҳам суғурта қилдираётганлар нимани суғурта қилдиришса уни ҳолатини бошқалардан яхши билишади. Суғурта қилдиришда эса ҳар бир суғурта қилдирувчи ўз манфаатидан келиб чиқиб кўпроқ суғурта пули олишни кўзлайди.

Иккинчи томондан, суғурта қилдирганлар кўпинча суғурта қилинган объектга нисбатан бефарқликларини кучайтиришлари мумкин. Масалан, автомобилни суғурта қилдирганлар энди аввалгидек эҳтиёт чораларини кўришга уринишмайди. Суғурта компаниялари эҳтиёт чоралари кўришга рағбатни йўқолиши билан боғлиқ кўшимча харажатлар қилишларига тўғри келади. Охир оқибат шундай ҳолат келиб чиқиши мумкин-ки, суғурта фаолияти харажатларни қоплай олмай қолади. Шартнома муносабатларида икки турдаги оппортунистик ҳатти-ҳаракатлар мавжуд. Уларни О. Уильямсон: а) шартнома тузишдан аввал (*ex ante*), унинг асосий шакли танловнинг ёмонлашуви; б) шартнома тузгандан сўнг (*ex post*). Унинг асосий шакллари: маънавий риск ва товламачилик.

Одатда ахборот асимметрияси кўпроқ шартнома тузишдан аввалги оппортунизмни келиб чиқишига сабаб бўлса, маънавий риск ва товламачилик ҳодисалари шартнома тузилгандан сўнг кўпроқ юз беради [18]. Бунда айниқса маънавий риск, иқтисодий масъулият

муҳим аҳамиятга эга. Айримлар суғуртани бойиш манбаи сифатида кўради. Бунга тарихий мисоллар кўп.

Учинчидан, суғурта хизматлари етарли даражада аҳолининг диққатини жалб эта олмаслиги, сабаби аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар сарфларини натижасига қараб, қарор қабул қиладилар.

Маълумки, суғурта компанияси дастлаб суғурта полисини сотиб суғурта мукофоти, яъни ҳали кўрсатилмаган хизматга ҳақ олади. Д. Бланд (David Bland) айтганидек, суғурталовчи суғурта қилдирувчига мушкул аҳволга тушганда ёрдам бериш ваъдасини сотади [19]. Суғурта шартномаси амалда бўлган давр давомида суғурта ҳодисаси содир бўлгандагина суғурталовчи зиммасига олган мажбуриятни, яъни “ваъда”ни бажаради.

Республикамызда мижозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми суғурта мукофотларининг жуда оз қисмини, яқингача 11-19%ни ташкил этган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоиз даражасида. Ҳаёт суғуртасига ихтисослашган суғурта компаниялари томонидан тўланган суғурта қопламалари умумий суғуртага нисбатан юқори.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда суғуртанинг бозор, асосига ўтиши билан соҳада янги босқич бошланиши ва ривожланишнинг барча хусусиятларига хос қонун ҳужжатларининг номукаммаллиги ва тўлиқ эмаслиги, кўрсатмалар ва қоидаларнинг номувофиқлиги билан тавсифланади. Айниқса, ислохотлар жараёнида қонун-қоидаларнинг тез-тез ўзгариши суғурталовчиларни ҳам суғурталовчиларни ҳам оқилона қарор қабул қилишларини қийинлаштиради. Бу эса суғурта компанияларини қийин

аҳволга солиб кўяди ва суғурталовчилар фаолиятига тўсқинлик қилади.

Бешинчидан, бозор иқтисодиёти шароитида рақобатнинг кучайиши суғурта ташкилотларининг айримларини аҳолининг диққатини тортиш учун амалга ошириш имкони йўқлигига қарамай, ваъдалар бериб, уларни бажармаслиги ва бошқаларни кўрсатиш мумкинки, натижада хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончсизлиги янада кучаяди.

Демак, республикамизда суғурта институтига нисбатан инсонларнинг муносабатида ҳам акс этишини кўришимиз мумкин. Айнан бу ерда институционал муҳит яратиш орқали аҳолининг, хўжалик юритувчи субъектларнинг фикрини ўзгартириш суғуртага ишониб, ихтиёрий равишда унинг полисларини сотиб олишга имкон яратиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар икки томоннинг манфаатларини ҳимоя қилиш суғурта фаолиятини холис ҳакам сифатида давлат томонидан тартибга солиш заруриятини келтириб чиқаради.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўз-ўзини тартибга солиш механизмидан фойдаланиш бўйича халқаро ва маҳаллий тажриба унинг иқтисодиётга таъсирининг икки томонлама хусусиятини кўрсатади. Бир томонда ўз-ўзини тартибга солиш иқтисодиётни тартибга солишга муқобил бўлиб, тартибга солишда давлат харажатларини минималлаштириш ва бозор иштирокчиларига нисбатан ва уларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда максимал мослашувчанликни таъминлаш имконини беради.

Иккинчи томондан ўзини-ўзи тартибга солувчи институтлар бозорга киришда қўшимча чекловлар пайдо

бўлишига ҳисса қўшади ва бегоналарнинг манфаатларини минимал даражада ҳисобга олади. Шундай қилиб, иқтисодиётни самарали ривожлантириш учун ўз-ўзини тартибга солиш институтлари ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тизими ишлаб чиқишга эҳтиёж вужудга келади.

Буни иқтисодий ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам кўрсатади, Уларнинг барчасида суғурта бозори давлатнинг ваколатли идоралари томонидан тартибга солинади. Энг асосийси расмий институтлар ва уларга риоя қилишни таъминлаш ҳар икки томоннинг фаолиятини тартибга солишда асосий роль ўйнайди.

Ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун мақсад фақат суғурта мукофотлари ҳажмини ошириш эмас, аҳоли суғурта ҳимоя эканлигини англаши зарур. Бунда эса аҳоли фаровонлигини юксалтириш, давлат зиммасига тушадиган юкни камайтириш, суғурта компанияларига ўз мажбуриятларини бажариш имконини бериш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш муҳим роль ўйнайди. Суғурта соҳасини ривожлантириш нуқтаи назаридан келажакка замин яратади.

Суғурта муносабатларини такомиллаштириш учун "Соҳага назоратчи эмас, илғор ва замонавий стандартларни жорий этадиган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб, суғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак"лигини Президентимиз Ш.М. Мирзиёев алоҳида таъкидлади ва ана шу мақсад, вазифани амалга оширишга қаратилган. 2019 йил 2 августида ЎР Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал

ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4412-сон Қарори қабул қилинди [20]. Қарорга мувофиқ:

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилиниб қўйидаги вазифалар ва уларни ижро этиш муддати, ижро этиш ва назорат учун масъуллар аниқ белгиланди:

I. Суғурта соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш.

II. Суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш.

III. Суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш.

IV. Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш.

V. Суғурта хизматларининг истеъмолчилари ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, суғуртани

оммалаштириш ва суғурта маданиятини ривожлантириш.

VI. Суғурта хизматлари ҳажми, кўламини кенгайтириш ва суғурта хизматлари сифатини ошириш.

VII. Суғурта фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш соҳасида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш.

Ундан ташқари:

“2019 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари”;

“Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) учун устав капиталининг минимал миқдорлари” белгиланди. Шу билан бирга мазкур қарорни амалга ошириш бўйича батафсил амалий тадбирлар режаси” ҳам ижро учун қабул қилинди. Молия вазирлиги ҳузурида Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда Тўловларни қафолатлаш жамғармаси ташкил этилди.

Бу институционал ўзгаришлар натижасида соҳада жонланиш юз берди.

1-жадвал

2010-2020 йиллар давомида Ўзбекистонда суғурта бозори ҳолати тенденцияси
(млрд. сўм) [21].

Кўрсаткичнинг номи	Йиллар						2020 йили 2010 йилга нисбатан,%
	2010	2015	2016	2017	2019	2020	
Ихтиёрий суғурта	122,8	329,0	485,0	694,1	2 000,6	1984,5	16.1 марта
Мажбурий суғурта	52,7	186,7	207,6	233,4	313,3	359,5	6,8 марта
Жами суғурта мукофотлари	175.5	515,7	692,6	927,5	2451,8	2344	13.3 марта
Тўланган суғурта копламалари	27,6	99,8	130,5	270,0	513,5	725,8	26.3 марта
Суғурта мукофотига нисбатан суғурта копламалари улуши, %	15,7	19.35	18,84	29,11	20,9	30,9	X

Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши, %	0,22	0,30	0,34	0,37	0,45	0,5	X
--	------	------	------	------	------	-----	---

2020 йили республикамызда 2019 йилга нисбатан суғурта ҳажми 30,5 % га ортди. Ихтиёрий суғурта 49 % га, мажбурий суғурта деярли 31,7%га, кўпайди. Суғурта қопламаси тўловлари суғурта мукофотларига нисбатан 30,9 %ни ташкил этди ёки 2019 йилга нисбатан 10% га ортди. Суғурта тизимида кескин ўзгаришлар юз бераётганини 1-жадвал маълумотлари ҳам тасдиқлайди:

Жадвал маълумотларидан куйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. 2010-2020 йиллар давомида жами суғурта мукофотлари таркибида ихтиёрий суғуртанинг улуши ортиб борган. 2010 йилда 69,9%ни ташкил этган бўлса, кейинги йиллари ўсиб бориб, 2020 йили деярли 84,7%ни ташкил этган. Бу суғурта муносабатларида бозор муносабатларининг, мувофиқ равишда институтларининг фаолияти жадаллашиб, камрови ортиб бораётгани ва давлат суғурта компанияларининг улуши қисқариб бораётганини кўрсатади.


2. Жами суғурта мукофотлари ҳажми шу даврда барқарор равишда ўсиб, 2020 йили 2010 йилга нисбатан 13,3 мартага ортган. Айниқса, расмий институтларни мукаммаллаштирилиши туфайли 2019-2020 йиллари суғурта

мукофотларининг ҳажми кескин равишда ортган. Демак, қабул қилинган ғукуқий ҳужжатлар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар уларнинг манфаатлари қонуний ҳимоя қилинишига ишончлари ортган. Чунки, барча муносабатларни қонун доирасида бўлишига давлат қафолатчи. Бу ерда менталитетимизга хос давлат патернализми ҳам муҳим ўрин тутди.

3. Шу давр мобайнида тўланган суғурта қопламалари 27,6 млрд сўмдан 725,8 млрд. сўмга қадар ёки 26,3 мартага ўсди. Натижада суғурта мукофотига нисбатан суғурта қопламаларининг улуши 2010 йилдаги 15,7 %дан 2020 йили 30,9 % га кўтарилди, яъни бу кўрсаткич 2 баробар ижобий томонга ўзгарди. Бошқача айтганда суғурта қилдирувчилар кутаётган натижа яхшиланди.

Суғурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши (insurance penetration rate) 0,22 фоиз бўлса, 2020 йили 0,5 фоизга етди, яъни ижобий силжишга эришилди.

Суғурта бозоридаги ҳолатни ифодаловчи яна бир кўрсаткич аҳоли жон бошига суғурта мукофотлари бўйича эришилган натижадир.



2-расм. Аҳоли жон бошига ялпи суғурта мукофотлари динамикси (сўм) [21]

2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, бу кўрсаткич ниҳоятда паст. Ўзбекистонда 2010 йили аҳоли жон бошига суғурта мукофоти атиги 6013 сўм, 2015 йили 16623 сўмни ташкил этган. 2019 йили 70 000 сўм, 2020 йили бирмунча камайиб 69144 сўмга етган. Шу даврни аҳоли жон бошига яратилган ЯИМ бўйича қарасак, 2010 йили 2592,3 минг сўм, 2019 йили 15190.9 минг сўм, 2020 йили 19949,1 минг сўмлик ЯИМ яратилган. Уларнинг нисбати бўйича таҳлил қилсак, аҳоли жон бошига суғурта мукофотлари аҳоли жон бошига ЯИМ нинг 0,2 фоизини ташкил этган. 2019 ва 2020 йилига келиб. 0,4 %га етган. Бу жиҳатдан ҳам нисбатан жонланиш 2019 йилдан бошланди, дея оламиз.

2021 йил 23 ноябрда суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сон Қонуни қабул қилинди [22]. (Ушбу Қонун давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат тиббий суғуртаси билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди).

Мазкур Қонуннинг ишлаб чиқилишидан асосий мақсад – тўғридан-тўғри ҳаракат қоидаларини қонун даражасида белгилаш ва суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларни бошқаришнинг ягона механизмини яратиш ҳисобланади.

Соҳа мутахассисларининг фикрича Қонун билан қуйидаги **асосий ўзгаришлар** амалиётга жорий этилмоқда:

* суғурта шартномаси суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида ёзма ёки **электрон шаклда** тузилиши мумкин;

* суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) **акциядорлик жамияти шаклида** ташкил этилади;

* суғурталовчиларнинг, суғурта брокерларининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари малака талабларига мувофиқ бўлса тайинланади;

* суғурта хизматлари истеъмолчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суғурталовчилар белгиланган пруденциал нормативларга риоя этиши шарт.

Шунингдек, суғурта заҳираларида ҳам ўзгариш амалга оширилган бўлиб, қонундан огоҳлантириш чора-тадбирлари заҳираси олиб ташланди. Шу билан бирга қатор бошқа ўзгартиришлар киритилди.

Қабул қилинган ва амалга оширилган чора-тадбирлар асосида Ўзбекистонда суғурта хизматлари кўрсатиш ва уни мукаммалаштириш учун зарур институционал муҳит яратилди, деб айта оламиз ва бу соҳада кўзланган мақсадларни амалга ошириш республикамизнинг тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашда муносиб ўрин тутади.

Хулоса. Суғурта молиявий муносабатларнинг махсус тури бўлиб, мамлакатнинг барқарор ўсишини, умумий иқтисодий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва узлуксизлигини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашда алоҳида муҳим роль ўйнайди. Буни у бажаралиган функцияларда кўриш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш суғурта муносабатларини ўзгариши мувофиқ равишда расмий институтларни шакллантиришни талаб қилади. Суғурта бозорининг ҳолатини аниқлаш эришилган даража ривожланиш салоҳиятини кўрсатувчи иқтисодий кўрсаткичлар тизими асосида уни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Республикамизда суғурта бозорини ва унга хос институтларни шакллантириш мустақилликка эришганимиздан сўнг бошланганига қарамай, узоқ вақт кўзланган мақсадга эришиб бўлмади. Бунинг сабабларини институционал нуқтаи назардан ёндашиб, ўрганилиши натижасида биринчи навбатда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг суғуртага нисбатан ишончи йўқлиги оқибатидир.

“Суғурта“ тушунчасининг келиб чиқиши “суғурмоқ” - ўрнашган жойидан куч билан тортиб чиқаришни, мажбурлаш орқали мақсадга етишни ифодалашининг ўзи инсон назарида куч ишлатиб, мажбурлаш – унинг учун ёқимсиз ҳолатни ифодалайди. Инсоннинг қарор қабул қилишида эса психологик омиллар муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда суғурталашнинг оммавийлашувига тўсиқлар сифатида ахборот асимметриклиги, шартнома муносабатларида оппортунистик ҳатти-ҳаракатлар мавжудлиги, суғурта қопламасининг ниҳоятда пастлиги,

муҳими, расмий институтларнинг номукамаллиги, айниқса, ислохотлар даврида уларни тез ўзгариши, рақобатда ютиб чиқиш учун айрим суғурта ташкилотларининг имконияти йўқлигига қарамай, ваъдалар бериб, уларни бажармаслиги ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Статистик маълумотлар асосида олиб борган таҳлилимиз кўрсатадики, мамлакатимизда 2019 йилдан расмий институтлар ва институционал муҳитни мукамаллаштирилиши ва такомиллаштирилиши натижасида 2019 йилдан бошлаб суғурта тизимида кескин ўзгаришлар юз бера бошлади.

Суғурта бозорини янада ривожлантириш учун:

1. Расмий институтларга риоя қилишни таъминлаш ва бунинг учун инфраструктурани кенгайтириш ва ривожлантиришни давом эттириш зарур. Бусиз институционал муҳитни талабга мослаштириш мушкул.

2. Ўзбекистонда ишсизлик ва бандлик бўйича суғурта тури йўқ. Республикамизда норасмий бандликнинг юқорилиги, ўз навбатида суғуртанинг оммалашуви, сифими, суғурта мукофотлари ҳажми ва бошқа кўрсаткичларга, муҳими, ижтимоий ҳимоя қамровига таъсир кўрсатади. Шунинг учун бу масалани чуқур ўрганиш, ечимини топиш учун илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур.

3. Суғурта муносабатларини ривожланиши ўз навбатида трансакцион харажатларни кўпайишига олиб келади. Ҳозирда трансакцион харажатларни пасайтириш иқтисодиёт учун муҳим муаммога айланиб улгурди. Суғурта муносабатлари хўжалик, бозор ва макроиқтисодий даражада камайтиришнинг асосий йўналишларидан бири рақамли иқтисодиётнинг

имкониятларидан кенг фойдаланишдир. У оппортунизм ва ахборот асимметриясин камайтиришга ҳам катта таъсир кўрсатади. Бунинг учун замонавий молиявий технологиялар имкониятларидан кенг фойдалана биладиган, янгиларини ярата олиш салоҳиятига эга кадрлар тайёрлашни зарур қилиб қўяди. Бу вазифа ўқув юртлари, жумладан Тошкент молия институти масъулиятини ҳам оширади.

4. Суғурта бозорини ривожлантиришда мавжуд норасмий норма ва қоидаларни аниқлаш, янгиларини яратиш орқали норасмий институтларга диққат қаратиш ва аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида суғуртани "ёқимсиз мажбур қилиш" эмас, келажакка ишонч муҳитини яратиш ва унга нисбатан хайрихоҳлик муносабатларини шакллантириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Суғурта фаолияти тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси қонуни <https://lex.uz/docs/40253> (Мазкур Қонун 2022 йил 25 февралдан ўз кучини .йўқотди).
2. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси (2-қитоб). Т.: "Шарқ",2003. -416 б.
3. Азимов Р.С. Ўзбекистон Республикасида суғуртани ривожлантиришнинг назарий ва услубий муаммолари // Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 3, June 2022. ISSN: 2181-1016 (Журнал «Международные финансы и бухгалтерский учет» Халқаро молия ва бухгалтерия ҳисоби журнали,2022, 3-сон.)
4. Азимов Р.С Ўзбекистонда ва хорижда суғуртанинг замонавий ҳолатининг қиёсий таҳлили. // Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 4, August 2022. ISSN: 2181-1016.
5. Кўлдошев Қ.М. Ўзбекистон миллий суғурта бозорида ўзаро суғурта хизматларини ривожлантириш масалалари.// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2019 йил 2/2019 (№ 00040) www.iqtisodiyot.uz
6. Юлдашев О. Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасига бўлган талабни белгиловчи омиллар. // Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 2, April 2022. ISSN: 2181-1016
7. Халикулова Г. Суғурта шартномаларини тузиш жараёнида замонавий равамли технологияларни қўллаш. // Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 2, April 2022. ISSN: 2181-1016
8. Шеннаев Х.М. Бустақиллик йиллари Ўзбекистонда суғурта фаолиятининг ривожланиш босқичлари. // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2021 yil
9. Шеннаев Х.М. Суғурта фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибаси // "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № noyabr-dekabr, 2020 yil 229 6/2020 (№ 00050) <http://iqtisodiyot.tsue.u>
10. Тошназарова Л.Ш. Ўзбекистон суғурта бозорида рақобатни ривожлантириш йўллари.// "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil. Б. 372-379.
11. Кахаров К., Шеров С. Финансовая деятельность института страхования: суённость и государственно-частное партнегство. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий журнали. №6, декабрь, 2021 йил. ISSN: 2181-1016

12. Калиниченко О.М. Автореферат диссертации по теме: Институциональные основы функционирования страхового рынка в России” 08.00.01 -экономическая теория (1.2 Макроэкономическая теория - теория организации рынков) 08.00.10 - финансы, денежное обращение и кредит (6 - Страхование). Саратов 2005
13. Попова Е. А. Особенности института страхования в рыночной и переходной экономике // Финансы и кредит, 2008, 16 (304). -с. 47-55.
14. Джон Картер, Мишель Бедар, Селин Пейрон Биста. Сравнительный анализ системы страхования по безработице и страхования занятых лицв странах Азии и в мире.// МОТ, Группа технической поддержки по вопросам достойного труда и Бюро МОТ для стран Восточной Европы и Центральной Азии 2014, -102 с.
15. Ж.. Сёрл (John Rogers Searle) — замонавий тахлилий фалсафанинг энг нуфузли вакиллари (АҚШ, Калифорния университети профессори).
16. Қўлдошев Қ.М., Сабилов М.А. Ислом мамлакатларида такафул суғуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳамда Ўзбекистонда шаклланиш жараёни.// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 4, iyul-avgust, 2021 yil. -Б. 336-343.
17. Акерлоф Дж. Рынок «лимонов» неопределенность качества и рыночный механизм // THESIS -1994. вып 5, С. 91-94
18. Уильямсон О. Экономические институты капитализма. Фирмы, рынки, “отношенческая контракция”. СПб.: Лениздат, CEV Press, 1996, с. 71 – 74.
19. Bland David, Insurance: Principles and Practice, The Chartered Insurance Institute, 1993, ISBN 1-85369-112-7, p. 26
20. <https://lex.uz/docs/4459802>
- 21 MF.UZ сайти ва “Страховой рынок в Узбекистане за 2020 г.» Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике” маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.
22. <https://lex.uz/docs/5739117#5740185>